

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ**

**НАВРЎЗ - ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК
ТИМСОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2013

РАШИД БОБОҚУЛОВ

**НАВРЎЗ - ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК
ТИМСОЛИ**
(Услубий қўлланма)

“Баркамол авлод” болалар марказлари услубчилари, тўғарак раҳбарлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари тўғарак раҳбарлари фойдаланиши мумкин.

Муаллиф: **Р.Э.Бобоқулов** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи услубчиси

Такризчилар: **Й.Акбаров** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Л.Ҳошимов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Мониторинг ва маданий - оммавий тадбирларни ташкил этиш гуруҳи маданий - оммавий тадбирлар ташкилотчиси

Б.Қорабоев – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи услубчиси

Мазкур қўлланма Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 27 февралдаги 1-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

КИРИШ

Наврўз – табиат уйғониш фасли, ҳаёт байрами, миллий одат ва қадриятларимизнинг энг олий тимсолидир.

Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир. Наврўз айёмининг ҳаётбахш руҳи умумбашарий қадриятларга ҳамоҳангдир. Шу боис, у мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакилларининг, ёшу-қари барча инсонларнинг умумий шодиёнасига айлангани бежиз эмас. Бу ҳол Ўзбекистонимиздаги аҳиллик, меҳр-оқибат, тинчлик ва осойишталик барқарорлигининг далолатидир.

Наврўз ҳақида Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай фикр билдирганлар: **“Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезон негизида шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам – шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида айниқса ёрқин намоён бўлади.**

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказиладиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, янгилиниш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аجدодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кўхна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўғри келади. Яъни ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосида шаклланган”¹.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008 й. 35-бет.

Мустақиллик шарофати билан тикланиб, истиқлол ғоялари билан суғорилиб, мазмунан ва шаклан бойиган Наврўзда:

- табиат билан бирга янгиланиш, руҳий покланиш;
- табиий ва маданий бойликларни сақлашга чорлаш;
- атроф-муҳит (маҳалла, қишлоқ, шаҳар кўчалари, маъмурий бинолар, боғлар)ни тартибга солиш, ободонлаштириш;
- аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, дўстлик, аҳиллик, биродарликни мустаҳкамлаш;
- турли миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, тотувликни ривожлантириш омиллари кучаймоқда.

НАВРЎЗ – ШАРҚОНА ЯНГИ ЙИЛ

Шарқ халқларининг муштарак ижоди – Наврўз қадим замонлардан бизгача етиб келган миллий қадриятларимиздан бири бўлиб, байналминал байрамдир. Унинг таркибига, қадимги ота-боболаримизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб бугунги кундаги замондошларимизнинг қарашларигача бўлган маънавият олами сингиб кетган бўлиб, у инсоният маданий тараққиётининг ҳар бир ютуғидан доимо куч ва қувват олиб турган.

“Шуни айтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф – одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини олгани барчамизни мамнун этади”².

Ҳақиқатдан ҳам Наврўз умумхалқ байрами бўлиб, унинг бир қатор хусусиятлари бор.

Жумладан: Наврўз шундай руҳий кайфиятни вужудга келтирадики, унда (йилнинг бошқа кунларига нисбатан) ҳамма хурсанд, шод ва бахтиёр бўлган.

Қадимдан байрамлар (маълум вақтда такрорланиб тургани учун) ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Чунончи, Наврўз – йил бошини нишонлаш вақти келганда, одамлар яна бир йил ўтганлигини чуқурроқ ҳис қилганлар. Шундай экан, Наврўз вақтни чуқур ҳис қилиш, эъзозлаш, қадрига етишга шароит яратган.

² И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008 й. 96-бет.

Наврӯз ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгу бўлиб келган. Кишилар Наврӯз байрами куни энг яхши одатларни намоиш қилиб, гўзал либос ва кийимлар кийишган, лаззатли таомлар тайёрлашган, ўзларидаги қобилиятларини, ижодий ҳаваскорликни намоиш этганлар ҳамда кўтаринки кайфиятда бўлганлар. Дейдиларки, Наврӯз куни ёмонлар – яхши, ҳасислар – сахий, хунуқлар – гўзал, гўзаллар янада гўзал бўлиб кетишар экан.

Наврӯз жисмоний ва ақлий меҳнатдан озодлик ва турли мажбуриятлардан эркинлик куни ҳисобланган. Одамлар кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишларидан озод бўлганлар. Байрам кунлари барча қийинчиликлар, дарду-аламлар унутилган, кишилар ўзларини шоду-хурсанд бўлишга шайлаганлар. Бу куни одобсизлик, ўғрилиқ, зўравонлик, фисқу-фасод каби ёмон одатлар унутилган.

Наврӯз куни тенглик ҳукм сурган. Ҳамма бир қозондан овқат еб, бир хил томоша кўрган, бир хил сайлгоҳларга чиқиб, сайр қилишган.

Наврӯз куни – тинчлик куни ҳисобланган, урушлар тўхтатилган. Халқ одатларига кўра, бу куни хафагарчиликлар унутилган, ўзаро аразлашганлар ярашган, танишлар дўстлашган, ҳамжихатлик ва дўстлик руҳи барқарор бўлган.

Наврӯз кунларида вужудга келган руҳий кўтаринкилик кишиларни эртанги кунга яхши умидлар боғлашга, порлоқ келажакка ишонч билан қарашга, ҳаётни янада гўзал қилишга ундаган. Бу байрам арафасида кишилар бир-бирларини табриклашган, ютуқлари билан қутлашган, ишларига муваффақиятлар, омад ва бахт тилашган.

Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг ана шундай қадимий байрами Наврӯз шўролар ҳукумати даврида халқнинг тарихий қадриятлари сифатида давлат томонидан эътиборга олинмади ва шунинг билан бирга Наврӯзнинг аҳволи аянчли бўлди.

Халқнинг миллий анъаналари шўроларнинг мақсадига хизмат қилмаганлиги учун, унга қарши расмий ва норасмий кураш олиб борилди. Бироқ миллий онги уйғонган зиёлилар, илғор ёзувчи, олимлар Наврӯз байрами таъқиқланишига қарши чиқишди. Наврӯзни асраш–миллатни сақлаш ҳаракатига айланди. Илмий анжуманларда, ёзувчилар йиғинларида Наврӯз байрамини ҳимоя қилувчилар сафи кенгайди. Шу тариқа Наврӯз байрамини нишонлаш тўхтамади. Анъаналар учун кураш миллат равнақи учун курашга, миллат равнақи учун кураш эса мустақилликка эришиш учун курашга айланди.

Мустақиллик арафасида халқ байрамларини тиклаш кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Шунинг натижасида ҳар йили юртимизда 21 март Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келмоқда.

Наврўз кунларида турли оммавий ўйинлар, пойга мусобақалари, боғларда сайиллар, майдонлар, концерт заллари ва театрларда санъаткорлар, шоирлар ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилган. Ота-оналар ва қариндош-уруғлардан хабар олинади, ёру-биродарларникига меҳмонга борилади. Наврўз кунлари барча гина-қудратлар унутилиб, кишилар яхшиликка интиладилар, етим-есирларга ва ногиронларга ёрдам бериб, марҳумлар қабрларини зиёрат қиладилар.

Наврўз халқимиз учун покланиш, руҳан янгиланиш ва маънавий камол топиш байрами бўлиб келмоқда. Ҳар йили мамлакатимизнинг барча сўлим гўшаларида Наврўзи олам шодиёнасига қизгин тайёргарлик кўрилади. Халқимиз бу қадимий меҳнат ва баҳор байрамини ҳар йили ўзига хос кўтаринкилик, янгича руҳ билан нишонлаб келишмоқда.

НАВРЎЗ – ТАБИАТ ЭҲСОНИ ВА ХАЛҚ БАЙРАМИ!

Наврўз – (форсча – янги кун) – Осиё, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий анъанавий байрами. 21 март шамсий тақвим ҳисобида йилнинг биринчи куни бўлиб, баҳорги кун ва туннинг тенглигига, яъни 21–22 мартга тўғри келади.

Кўплаб тарихий манбаларда келтирилишича Наврўзни байрам сифатида нишонлаш аҳамонийлар даври (милoddан аввалги 6–5-асрлар)дан бошланган деб ҳисоблашади.

Наврўз байрамининг пайдо бўлиши тўғрисида ривоятлар, афсоналар жуда ҳам кўп. Масалан, Абулқосим Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома” асарида уни шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. Унда ҳикоя қилинишича, Наврўз шоҳ Жамшид тахтга ўтирган кундир. Унда айтилишича, шоҳ Жамшид ўзига шоҳона тахт ясаттириб, ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан жило берилган, бир неча турли дуржавоҳирлар қадалган қимматбаҳо тожини кийиб, тонг маҳали тахтга ўтирибди. Шу пайт кўёш чиқиб, офтобнинг заррин нурлари шоҳ

Жамшиднинг тожу-тахтини ёритибди. Шунда бутун теварак-атроф мунаввар бўлиб кетибди. Бу ғаройиб мўъжизани кўрган халқ ажабланиб, шох Жамшид тахтга ўтирган кунни Наврўз, яъни «янги кун» деб байрам қилишган экан.

Шоир бу воқеани гўзал мисралар билан талқин этган:

*Битта тахт қурдирди, бари сийму зар,
Шукуҳи Каёний, безаги гавҳар.*

*“Дев кўтариб учсин”, деб бўлди фармон,
Тахт кўтарилганда наст бўлди осмон.*

*Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб, шукуҳ – бахтига.*

*Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.*

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Наврўз ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Бундан ташқари, Беруний “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида маълумот беришича, байрам олти кун давом этган. Сосоний подшолари 6 кунда 6 тоифа халқни қабул этганлар ва тортиқлар улашганлар.

Наврўз байрами куни махбусларни озод қилиш анъанаси ҳам бўлган. Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома” китобида ёзишича, Наврўз байрами ўтказишнинг махсус тартиб-қоидаси бўлган. Уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-оналар, яқин кишилар билан дийдорлашиш, мархумларнинг қабрларини зиёрат қилиш қабила халқ орасида кенг одат тусига кирган. Наврўз байрамининг сарчашмалари қадимий аجدодларимизнинг политеистик (кўп худолик) тушунчалари, жумладан; Коинот, Қуёш, Ерга бўлган эътиқодлари асосида вужудга келган. Бундан 4–5 минг йил илгари

аждодларимиз Қуёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи, деб билишган ва унга атаб махсус маросимлар ўтказишган. Шу йўсинда “митраизм” қуёшпарастлик, унинг заминида эса оташпарастлик шакллана бошлайди. Зардуштийлар оловни қуёшнинг ердаги зарраси – фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимларда катта гулханлар ёқиб, қиш совуғини “ҳайдашган” ва кўкламни “чақиришган”.

Айтиш мумкинки, бундай маросимлар барча қадимий халқларда бўлган. Улар турли халқлар билан бирга дунёнинг барча ҳудудларга ёйилган ва кейинчалик турли анъаналар билан уюштирилган. Ривожланган этносларда улар йирик байрамларга айланиб, “йил боши” вазифасини ҳам ўтаган. Наврўз коинот ва табиат қонунлари, қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бориши, табиатда жонланишнинг бошланиши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиё ва жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Наврўз асрлар давомида мазмунан чуқурлашиб, шаклан бойиб борди. Наврўз байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, баъзи экинларни экиш бошланган. Дастлаб, Наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Асрлар ўтиши билан турли халқларда Наврўз байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашган.

ПОКЛИККА УНДОВЧИ АЙЁМ

Аждодларимиз бир ой давом этадиган табаррук – мўътабар бўлмиш Наврўзни соғинч ва интиқлик билан кутиб, унга олдиндан пухта тайёргарлик кўрганлар.

Наврўз куни барча касб-ҳунар эгалари ўз устозларидан, табаррук кексалардан “Оқ фотиҳа” олганлар. Шу ўринда Наврўз байрами кунлари қилинадиган саховатли ишларнинг айримларини келтириш ўринлидир:

Наврўз кунлари ёлғиз қолган ота-оналарга, етим-есирларга, ногиронларга мурувват кўрсатадилар.

Араз-гиналарни унутадилар, урушлар тўхтатилади.

Сўкинмайдилар, қарғамайдилар, ғийбат қилмайдилар, самимий окшом суҳбатларини қурадилар.

Беморларни имкони борича она табиат қўйнига олиб чиқадилар, уларга Наврўз таомларидан олиб берадилар.

Она табиат манзараларига термулиб, ширин хаёл сурадилар, қурт-қумурска ва турли жониворларни ўлдирмайдилар, табиат мактабидан сабоқ оладилар.

От чопиш-улоққа турли халқ сайл-ўйинларига жой тайёрлайдилар, ҳалинчак (арғимчоқ) қурадилар.

Халқ ижодининг чашмалари –катта ашула, чанговуз баҳси, халқ лапарлари, аския, қизиқчилик, масхарабозлик, бахшилар айтишуви ва шоирлар мушоираларига кенг ўрин берадилар.

Болаларга эътиборни қаратиб Наврўз кийимларини ҳозирлайдилар, айниқса қизлар камалак ранг шойи газламалардан миллий кийим-либослар киядилар, майда ўрилган жамалак сочларига толбаргдан майда “сочпопук”лар тақадилар.

Ўғил болалар варраклар учирадилар. Қизлар лапар айтадилар, йигит-қизлар умр йўлдоши танлайдилар.

Катта-кичиклар баҳор кўкатлари бўлмиш ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, жағ-жағ, мачин, кийикўт, момоқаймоқ, каврак, андиз, эрман териб турли таомлар пиширадилар.

Наврўз кунлари қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, қўни-қўшнилар бир-бирлариникига меҳмонга борадилар, меҳмонлик қиладилар, майхўрликдан сақланадилар.

Наврўз мавсумида қабрларни зиёрат қилиб, ўтганлар руҳини шод айлайдилар.

Наврўз рўза ойларига тўғри келган вақтларда қадимда аجدодларимиз кўпгина тадбирларни кечга томон режалаб, “бозоршаб”, яъни тунги савдо расталари ва сайилларини ташкил этганлар.

Наврўз ойида туғилган чақалоқларга: Наврўз, Наврўза, Наврўзой, Наврўзбек, Гулчеҳра, Гулбаҳор, Гулбодом, Баҳорой каби исмлар қўйганлар.

Одамлар ўз илму-ҳунарларини намоёниш этадилар.

Наврўз ҳаммани ҳалолликка, покликка ундовчи айёмдир. Она табиатнинг бетакрор манзаралари ва мўъжизаларини, одамларнинг орзу-истак ва изтиробларини кўра билиш, тинглай билиш ва англаш фаслидир. Хуллас, табиат байрами, борлиқнинг янгиланиш, яшариш ва одамларни меҳрли бўлишга, ризқ-рўз яратишга ундовчи эзгулик, йилбоши айёмидир; инсонларни тенгликка чорлайдиган халқ сайли байрамидир, маҳаллаларни, қишлоқларни, туманларни, шаҳарларни яшнатувчи файзли мавсумдир. Халқ донишмандлигининг маҳсулидир.

ДАРДГА ДАВО – СУМАЛАК

Бошқа халқлар сингари, ўзбек халқи ҳам бу кунни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши сифатида қувонч билан қарши олганлар.

Одатда Наврўз байрамидан 15 кун олдин буғдой ёки арпани ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан Наврўз байрами кунлари сумалак таоми тайёрланган.

Шу ўринда Наврўзнинг шоҳ таоми бўлган Сумалакнинг пайдо бўлиш тарихига тўхталиш ўринлидир. Сумалак ҳақида ривоятлар жуда ҳам кўп. Шунинг учун уларнинг баъзиларини келтирамиз.

Бир деҳқон баҳор келиши билан уруғликка олиб қўйган донини сувга ивитиб қўйибди. Лекин бирдан ҳаво бузилиб, ёмғир ёға бошлабди. Ивитилган буғдой ниш уриб, ўса бошлабди, об-ҳаво эса ҳадеганда очилавермабди. Шунда деҳқон бобо болалари оч ўтирган пайтда ивитиб қўйилган дон барибир нишлаб кетди, увол бўлмасин, бир нарса пишириб бера қолай деб ўйлабди. Бу пайтда буғдой анча бўй чўзиб қолган экан. Деҳқон таваккал қилиб, ниш урган ва анча бўй кўтарган донни қиймалабдида, кампирига бундан бир нима пишир, барибир увол бўлиб кетади, – дебди.

Кампир қиймани қозонга солиб қайнатаверибди, қайнатаверибди, жуда узоқ вақт қайнатибди. Охири қайнатишдан безор бўлиб, қозоннинг қопқоғини бекитиб ухлагани ётибди. Эрталаб азонда уйқуси қочиб, қозондан хабар олгани бориб, қопқоқни очиб кўрса, ажойиб хид димоғига урилибди. Татиб кўрса, қозондаги қиём жудаям мазали эмиш. Бу таом оиладагиларнинг ҳаммасига ёкиб қолибди. У шундай ширин эканки, ҳиди жуда ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса узоқ вақт ёдда қоладиган экан. Келаси йили деҳқоннинг болалари яна шу таомдан егилари келибди ва шу тариқа баҳорда сумалак пишириш удуми пайдо бўлган экан.

Яна бир ривоятда айтилишича, Сумалак – биби Фотиманинг ошлари экан. Бир куни у кишининг болалари оч қолибдилар. Овқат пишириб берай десалар, уйларида қозонга солгудек ҳеч вақо йўқ. Ўшанда киш чиқиб, энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтарган вақт экан. Биби Фотима ҳовлисининг бир четига кузда бир ҳовуч дон сепган эканлар, қараса ўша дон кўкариб, майсалаб қолган экан. Дарров шу майсадан олиб келиб, майдалаб қозонга солиб, супрадан қоқиштириб олинган бир сиқим унни ҳам қўшиб яхшилаб аралаштириб, устидан сув қўйиб қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз

қозонни кавлаб ўтиргандан кейин ўғилларига кўшилиб биби Фотима ҳам ухлаб қолибди.

Эрталаб ўйғониб қарасалар, қозонни ўттизта фаришта кўзгаб пишираётган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган экан. Чунки, сумалак – ўттиз малак деганидир. Шу тариқа бу таом халқ ўртасида кенг тарқалиб, баҳорнинг лаззатли улуғ неъматига айланибди.

НАВРЎЗ НЕЪМАТЛАРИ

Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк

Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар.

Шоирнинг ушбу мисраларини ўқиган ҳар бир ўқувчи юртимизга ўз хусни тароватини кўз-кўз этиб келган баҳор нафасини туяди. Кўз ўнгимизда ям-яшил кенгликлар гавдаланади. Бугун кўча-кўй, боғу роғ, қиру адир ҳамма-ҳаммаси шоир таърифлаганидек кўм-кўк.

Кексаларимиз баҳорнинг илк даракчиси бойчечак, бинафша, чучмомаларни кўзларига суртиб “омонлик-сомонлик, кўрмайлик ёмонлик” дея ният қиладилар. Оналаримиз эса ердан унган ям-яшил шифобахш гиёҳлардан оиласи, болалари учун бирор егулик тайёрлаш ҳаракатига тушадилар.

Кўк чучвара, кўк манти, кўк сомса, кўк патир. Буларнинг ҳаммаси баҳорнинг, Наврўз байрамининг энг лаззатли таомлари ҳисобланади.

Ялпиз

Ялпиз лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ёввойи ўсимлик бўлиб, унинг янги униб чиққан барглари суюқ овқатларга маза киритади. Баҳорда ариқ бўйларида, боғларда, бедапояларда ва адир ён-бағирларида чиқади.

Ялпиз ўсиб, бўйи бир-бир ярим метргача боради. Шу вақтда ўриб олиниб, қуритиладиган мевалар остига тўшалади. Айниқса, ялпиз пояси устида қуритилган ўрик унинг ҳидини ўзига олиб, хушбўй бўлиб қолади ва бир неча йил сақланганда ҳам қурт тушмайди.

Таркибида турли витаминлар ва ифори мойи кўп бўлганлиги учун ундан доришуносликда, қандолатчиликда ва парфюмерия саноатида фойдаланилади.

Ялпизнинг шифобахшлиги ҳақида ибн Сино шундай деган: “Бир неча кунгача уни еб, кетидан қатик зардоб ичиб турилса, веналарни кенгайтиради. Унинг шираси қовуқдаги қуртларни ўлдиради. Ялпиз,

хусусан ёввойи иштаҳа камлигида, меъда заифлигида, ҳиқичок тутганда фойда қилади”.

Жағ-жағ

Халқимиз жағ-жағ кўкатида турли-туман таомлар тайёрлаб, унинг шифобахш хосиятларидан баҳраманд бўлади. Жағ-жағ ўлкамизнинг барча ҳудудларида ўсади.

Халқ табобатида бу гиёҳ ўзининг қон тўхтатиш хусусияти билан танилган. Меъда, ўпка, бурундан қон кетгудек бўлса, жағ-жағдан дамлама тайёрлаб берадилар.

Жағ-жағ табобатда ҳам қўлланилмоқда. Гиёҳнинг қон тўхтатиш хусусиятидан бошқа ҳам ижобий томонларга аниқланмоқда. Чунончи, олимларнинг аниқлашларича, жағ-жағ қон босимини тушириб, ичак фаолиятини уйғунлаштирар экан. Шу боисдан бўлса керак, бизнинг халқимиз бу ўсимликнинг кўкатида айна навбаҳор дамлари чучвара, сомса ва шўраки таомлар тайёрлаб, истеъмол қилишади.

Исмалок

Исмалокдан ҳам илк баҳорда, дармондори сифатида фойдаланиш кенг расм бўлган. Унинг сиқиб олинган суви эса консерва саноатида кўк нўхатга ранг бериш учун ишлатилади. Унинг баргида оксил, ёғ, темир, фосфор, магний, калий, натрий, шунингдек, рибофлавин, рутин, филлохинин, токоферол, эргокальциферол витаминлари бор.

100 гр исмалок 25-30 калорияга эга, тухумда эса 40 калория бор. Бинобарин, 500 гр исмалок уч дона тухумнинг кучини бера олади.

Отқулок

Баъзан баргузуб ўсимлиги билан отқулоқни алмаштириб юборишади. Отқулок аслида ёввойи шовул бўлиб, танаси тик ўсадиган кўп йиллик кўкат ўсимлиги, барглари катта-катта, қайиқсимон тузилишда, илдиз олди бўғизидида оқиш шилимшиқ моддаси бўлади. Янги униб чиққанда барглари кўкатлар билан чопиб қийма қилинади, жизза, кўк пиёз қўшиб сомса ва чучвара тугилади.

Таркибида кўпгина дармондорилар, айниқса, “С” витамини ва шовул кислотаси бор. Бу қон босими ошган ҳамда меъда касали билан оғриган беморларга тавсия қилинади.

Кўк чучвара

Бу таом учун саралаб терилган, тоза ювилган ва майдалаб чопилган ёки кесилган отқулоқ, ялпиз, исмалоқ, жағ-жағ каби кўкатлар керак бўлади.

Кўкатларга таъбга яраша туз, мурч, кашнич донаси солинади ва ёгда чала қовуриб олинади. Кўкатлар жуда ҳам пишиб, эзилиб кетмаслиги керак. Сўнгра ушбу масаллиқ совугунча, бир дона тухум солиб, қаттиқ хамир қорилади. Бироз тинган хамир юпқа қилиб ёйилади ва ҳар томони 3 смли бўлган квадрат шаклида қирқиб олинади. Бунда айланаси кичкига бўлган стаканлардан ҳам фойдаланса бўлади. Қирқиб чиқилган хамирга ярим чой қошиқдан совуган масаллиқ солиб, чучвара шаклида тугилади.

Ушбу чучвараларни қайнатилган сувда ёки қайнаб турган шўрвада ёхуд манти қасқонда буғда пишириб олиш мумкин. Тайёр бўлган чучварани косаларга сузиб, устига мурч ва бироз сметана солиб дастурхонга тортиш мумкин.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ КУНЛАРИ ЎЙНАЛГАН ЎЙИНЛАР, КУЙЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР, ЛАПАРЛАР ВА ШЕЪРЛАР

Ёшлар Наврўз байрамини кечаси билан ухламасдан эртак ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулги билан кутиб олишган. Наврўзнинг нишонланиши инсонларга шоду-хуррамлик улашиш билан бирга уларга руҳий куч, мардлик, жасурлик, қардошлик, халқсеварлик туйғуларини жо этади.

Ҳофизии созандаларнинг оҳанрабо хонишлари, қизиқчию-масхарабозларнинг қувноқ чиқишлари сайл руҳига жўшқинлик ато этади. Турли хил халқ ўйинлари, жумладан: «хўрозлар жанги», «қўчқор уриштириш», «арқон тортиш», «чиллак», «ким ўзар», «қочар тўп», «оқ теракми – кўк терак», «беш тош», «варрак учириниш» кабилар байрам сайлининг шодиёна ва зафарона хайқириқлари хитобларга тўла бўлиб ўтишини таъминлайди.

Наврўз байрамининг биринчи куни отчопар, улоқ, кураш сингари ўйинлар ўтказилган. Ёшлар баҳор ҳақида қўшиқ айтганлар. Наврўз байрамида кўкат чучвараси, ялпиз сомса, халим каби тансиқ таомлар пиширилган. Наврўз байрами янги йил байрамигина бўлиб қолмай, у аввало меҳнат байрами, деҳқончилик ишларини бошлаш

байрами ҳам бўлган. Шу билан бирга турли хил қўшиқлар, шеърлар, лапарлар куйлашган. Шулардан баъзиларини келтирамиз:

* * *

Кўм-кўк либос киймуш қиру далалар
Қушларнинг тилида ажиб куй қўшиқ
Тоғларнинг бағрида алвон лолалар
Чунки Наврўз келди-энг улуғ айём!
Айём муборакдир, азиз Онажон!

* * *

Кўкда арқон солиб учар турналар
Кўклам қуёш каби, сочади гул чечак
Ҳадемай довуча ҳумори тутиб
Ўрикзор оралаб кезар келинчак
Чунки Наврўз келди энг улуғ айём!
Айёмнинг муборак, азиз синфдош!

* * *

Дошқозон қайнайди катта ўчокда
Кайвони момолар сузар сумалак
Оппоқ соқоллари кўксида яшнаб
Чоллари уларга беришар кўмак
Чунки Наврўз келди энг улуғ айём!
Айём муборакдир, азиз Бобожон!

* * *

Мунисим келдингми Бойчечак тақиб,
Қирларда лоладек гулханлар ёқиб,
Юрагим тўлмоқда пойинга боқиб
Омон-омонмисан, бормисан ўзинг.
Айём муборак, эй, азиз дўстим!

* * *

Кўклам келди, ҳар ерлар.
Яшнар лола, гул билан.
Боғлар, бустонлар тўлди,
Қумри-ю булбул билан.
Парча – парча булутлар,
Йиғласа ёғар ёмғир,

Элим хазиначига
Ҳар бир томчи гавҳар – дур.

* * *

Омонлик, ҳей омонлик,
Етдик Наврӯзга.
Унитилсин ёмонлик,
Қут бер, ризқ-рӯзга.
Юртга тинчлик сўрайман,
Оламга чирой.
Шу айёмни қутлай деб,
Ундирдим буғдой.
Сумалак бир баҳона,
Ғанимат дийдор.
Шу урфимиз шоҳона,
Оқибатга ёр.
Зомонга минг шукирким,
Етдик Наврӯзга.
Майса ўсибди дуркун,
Сўрайман мен кўзга.

* * *

Шўхлан кўнгил, адодир қиш қамали,
Чехра очди шамсиянинг ҳамали.
Табиатда гуллаш фикри, амали,
Мавсумларнинг тақсимооти чамали,
Қошу кўзлар ранглардир бежамали,
Осмони кўк камалакли Наврӯзжон,
Сочпопукли, жамалакли Наврӯзжон!

Ялпиз сомса, кўк чучвара тайёрму,
Сумалаксиз баҳор хуррам баҳорму.
Полвонларда ҳалимисиз қут борму,
Саъва булбул шу қадар санъаткорму,
Беланчакли, ҳайинчакли Наврӯзжон,
Кўйлаклари сим ипакли Наврӯзжон!

Ҳар бир халқнинг тарихида меҳнат ва маросим кўшиқлари ўша
халқларнинг тарихий этнографик илдизларига бориб тақалади.

Масалан, ўзбек халқи қадимдан урчук йигириш, ўрмак тўқиш, кашта ва дўппи тикиш маҳорати билан эллар аро катта шуҳрат топган.

Табиийки кашта ва дўппи тикиш ҳақида қўшиқлар қўли гул чеварларнинг кўнгил рози бўлиб келган. Тарих кўп воқеаларнинг шоҳидидир. Лекин инсон умри абадий эмас. Фақатгина у яратган ишлар мангу қолади. Бугун биз тарих музейларида кўрган қадимий санъат намуналари халқимизнинг ўчмас санъати умрбоқийлигини кўрсатиб турибди. Зеро, аجدодларимиз дўппи ва тўнларни ғоят эъзозлаганлар. Бизгача етиб келган халқ қўшиқларида ана шу меҳр-муҳаббатни сезамиз:

Дўппи тиксанг чилдирма,
Чўпи-хасга илдирма.
Юртингни чиндан севсанг,
Душманингга билдирма.
Қалпоқ тикдим зардўзи,
Кияди ёрнинг ўзи.
Куйдирар қошу кўзи.
Сув келар тош устида,
Қалпоғинг қош устида.

Айтмоқчимизки, Наврўз тантаналарида ҳунармандлар ҳам алоҳида синовдан ўтишган. Улар ўзларининг бутун қалб меҳрини бериб яратишган нарсаларини эл назарига олиб чиқишган.

Шу тариқа, асрлар, йиллар оша сайқал топиб келган қутлуғ айём – Наврўзи олам ҳур ўлкамизнинг, озод ватандошларимизнинг энг қадрли байрамига айланган.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ ҚАЙ ТАРЗДА НИШОНЛАШ МУМКИН?

Наврўз халқимиз учун покланиш, руҳланиш, янгиланиш ва маънавий камол топиш байрами бўлиб қолмоқда. Қадимий Наврўз ўзининг буюк моҳиятини сақлаб, янги ғоялар билан бойиб, аҳиллик, тотувлик, халқларнинг бирдамлиги ва дўстлиги байрамига ҳам айланган. Халқимизнинг муроду-мақсадини куйлаган, юртимизнинг ором-у тинчлигини ўйлаган, бутун борлиқ мавжудотга меҳр-муҳаббат айлаган, бағрига бениҳоя эзгу-муҳаббат жойлаган, ёмонликлар йўлини бойлаган, яхшиликдан дoston сўйлаган, барчани бирдай

айлаган байрам бу – Наврӯз! Демак, Наврӯзнинг бизга мерос бўлиб, авлоддан-авлодга, элдан-элга урф бўлиб келаётган маросимларида руҳий қувват, давомий ўлмас анъаналари бор. Бу руҳий қувват ҳар бир урф-одатимизда акс этади. Миллий курашимизнинг жаҳон бўйлаб ўз мавқеига эгалиги, мардлик ва жасурлик тимсоли бўлган кўпқари, отчопар, дорвозлар ва полвонларнинг мусобақаларида халқимизнинг ўзига хос тантилиги, забардаст маданияти-ю, ботиний миллий кучи жамланган. Бу ҳолатлар халқимиз қонига, жонига сингиб кетган. Хўш, мана шундай шуқуҳли, улуғ айём “Баркамол авлод” болалар марказларида қай тарзда ўтказилади. Аввало “Наврӯз”нинг баҳор, шодлик, гул фасли сифатида, миллий урф-одатлар асосида тараннум этилишидан, унинг эзгулик, дўстлик, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод байрами эканлиги яққол сезилиб турсин;

“Гул сайлларини” ўтказиш. Гул – бу табиатнинг энг нозик мўъзижаси. У ҳаётнинг кўрки, шодлик манбаидир. Гул билан учрашиш, бу гўзаллик билан учрашиш демакдир. Гўзаллик билан учрашиш эса хурсандчилик ва бахтиёрликдир. Гўзалликни нозик ҳис қиладиган ўз халқида гулга бағишланган анъана сайиллар мавжуд. Шу муносабат билан “Баркамол авлод” болалар марказларида “Лола сайли”, “Сумбула сайли”, “Қизил гул сайли” каби номлар билан тадбирлар ўтказиш мумкин. Шу билан бирга “Баркамол авлод” болалар марказларида белгиланган майдонларида турфа гулларни экиш, турли мевали, манзарали ниҳолларни ўтқазиш болаларга завқ-шавқ бағишлайди. “Баркамол авлод” болалар марказларида қуйидаги тадбирларни ташкил этиш тавсия қилинади:

Наврӯз удумлари, қадриятларини ўз ичига қамраб олган ижодий ишлар танловини ўтказиш (фото ва расм танлови ва. ҳ”);

– тўғарак машғулотларида ясалган энг намунали кўл меҳнати кўргазмасини ташкил этиш;

– марказда миллий таомлар кўргазмасини ташкил этиш;

– учрашув, давра суҳбати, баҳс-мунозара, турли-мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш;

– марказда болалар фестивалларини ташкил этиш;

– марказда спорт мусобақалари ўтказиш ва ҳ...

Давлатимиз мустақилликга эришганидан сўнг, халқимизнинг тарихий орзуси бўлган кўплаб қадриятларимиз қатори Наврӯз байрами ҳам қайта тикланиб, яна умумхалқ байрамига айланди. Мана 21 йилдирки бу байрам юртимизнинг барча ҳудудларида катта кўтаринкиликда нишонланиб келинмоқда.

Ана шу мақсадда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда оммавий тадбирларнинг ўрни жуда ҳам муҳимдир. Шу ўринда тўғаракларда ўқувчиларга машғулот ўтиш жараёнида медиа таълимдан ҳам керакли тушунчалар бериб бориш мақсадга мувофиқдир. Медиа – телевидение, радио, кинематограф, оммавий нашрлар(газета, журнал), компьютер ахборот тизимлари пайдо бўлди.

Бу ўзи нима?

Медиа- маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори. Бу бозорда ҳеч ким “молим ёмон”, демайди. Бузғунчилар, жиноятчи, жоҳиллар ҳам ўз маҳсулотини “энг яхши” дейди. Унда бунёдкорлик, тараққиёт учун зарур манбалар ҳам кўп.гап одамнинг ана шу виртуал бозорда таклиф этилаётган маҳсулотларни харид қилишда адашмаслигида- “медиамаданиятда”.

Йигит қизларимиз, интернет орқали медиа матнларни ўқиётган тамоша қилаётганларида уларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; медиамаҳсулотларнинг ижтимоий маънавий, мафкуравий, маданий контекстини тушунишлари керак. бу эса одамнинг медиамаданияти қандайлиги билан боғлиқ.

Бироқ ёлғонни ҳақиқайдан ажратиш, қаршисида турган, ёки интернет матнидаги яширин қабих ниятни таниш осон эмас. Чунки баъзилар зийрак, баъзилар содда.

Шундай экан ёшлар - медиамаҳсулотларни энг кўп “еб-ичадиган” сегмент. Демак ҳар бир замонавий йигит қиз медиа бозорнинг “ичи”ни билиб ўсишлари керак. бунинг учун эса биз катталар буни назорат қилмоғимиз, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатмоғимиз лозим.

“АССАЛОМ НАВРЎЗ” СЦЕНАРИЙСИ

Мақсади: Ўқувчи-ёшларда одоб-ахлоқ тарбиясини шакллантириш, миллий урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш ҳамда оммавий тадбирларда иштирок этишларига йўл очиш.

Наврўз байрами арафасида юртимиз маҳалларида бўлиб ўтадиган сумалак сайилларида момоларимизнинг ёшларни чақириб, “Кел болам, яхши ният қилиб сен ҳам сумалакни ковла, илоё ниятинг амалга ошсин” дея даъват этишлари замирида катта маъно бор. Аввало, кекса авлод вакиллари бу мўъжизавий таомнинг тайёрланиши жараёнини ёшларга ўргатиш бўлса, яна бир жиҳати бу каби урф-одатларни ёш авлоднинг давом эттиришини хоҳлашган.

Тарбия воситаси бўлмиш миллий қадриятлар ёшлар онгига оила, маҳалла ва таълим тарбия муассасаларида сингдириб борилса, уларнинг дунёқарашида, феъл-атворида ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Ёшлар бу қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланса, улар катта авлодга айланганларида зиммаларидаги вазифани адо этиб, миллий меросни ёш авлодга етказишда фаол иштирок этадилар.

Асосий иштирок этувчилар:

Баҳорой – қиз

Наврўзжон – йигит

Дехқон бобо – йигит

Кекса тол дарахти – йигит

Бойчечак – қиз

Лолахон – қиз

Турнахон – қиз

Лайлакбой – йигит

Қалдирғоч – қиз

Турли эпизодларда:

Қишни олиб келаётган қарғалар – бола ва қиз.

Саҳна баҳор байрамига мос равишда безатилади. Саҳнага Баҳорой кириб келади. У узун гулли кўйлак кийиб, бошига гулчамбар таққан бўлади.

- Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар! Сизларни Наврўз байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Улуғ айём юртимизга кут барака олиб келсин.

Баҳордан бошланар гўзаллик фасли,
Йилнинг илк тонгидир оламда асли.
Наврўзни хуш кўрган хуш яшар абад,
Бахтга мушаррафдир ул инсон насли!

Бугунги шодиёнамизни бошлаб бериш ҳамда табрик учун сўз ҳурматли раҳбаримизга.

Табрик сўзини айтган раҳбар байрам ҳақида қуйидаги мазмунда ҳам гапириши мумкин:

- Азалдан Наврўз байрамида турли кўрик-танлов ҳамда мусобақалар ўтказилгани маълум. “Энг яхши Наврўз таомлари тайёрлаш”, “Энг моҳир тикувчи”, “Наврўз тасвирини чизган энг яхши рассом” ва ҳоказо. Сумалак сайлисиз Наврўзни тасаввур этиб бўлмайди. Қишдан ҳориб чиққан киши сумалакдан тўйиб-тўйиб еса, унинг таънасига турли дармон дорилар кирар экан. Демак “илик узилди” даврида сумалак пишириш айни муддаодир. Қадимдан момоларимиз, оналаримиз дошқозонда сумалак пиширар экан, чилдирма чалиб рақсга тушишади, қўшиқлар айтиб хурсандчилик қилишади. Ёшлар эса турли мусобақалар, ўйинлар ташкил этишади. Бу байрам муносабати билан кураш, арқон тортиш, қўл кучини синаш, югуриш, шахмат-шашка, тош кўтариш, дор ўйини, ва бошқа спорт турлари бўйича ҳам мусобақалар ўтказилган. Наврўз айёмингиз муборак бўлсин хуш айланган кайфият сизни йил бўйи тарк этмасин. Яна бир бор барчангизга Наврўзи олам муборак бўлсин!

Баҳорой:

Қизлар гулли рўмол ўрар,
Ўзларин қилиб кўз –кўз.
Замин янги кўйлак кийар,
Келса Наврўз, бўлса Наврўз.

- Энди байрамизга энг азиз меҳмон - Наврўзжонни таклиф этамиз.

Саҳнага беқасам тўн ва бошига дўппи кийган Наврўз қўлини кўксига қўйганча кириб келади.

Наврўзжон:

Одамлару одамлар,
Боғда битган бодомлар!
Дилдан қиш ғами кетди,
Барча Наврўзга етди!

- Оламни турфа гулларга буркаб келган баҳор айёми муборак бўлсин, азизлар! Бу баҳор шунчаки фасл эмас, балки у ҳар бир инсон умрининг баҳори. Мен барча чехраларда баҳор тароватини кўряпман!

Баҳорой:

- Наврӯзжон, сен келишинг ҳамоно энг шимариб ишга киришадиган ва бу кунни – меҳнат байрами сифатида нишонлайдиган ажойиб инсонларни биласанми?

Наврӯзжон:

- Энг биринчиси – Деҳқон бобом-да! Ана, ўзлари ташриф буюрмоқдалар!

Баҳорой ва Наврӯзжон жўр бўлишиб:

Ассалому алайкум, бобо деҳқоним!

Саҳоватли чексиз бўстоним!

Даврага деҳқон кетмон (ёки бошқа иш қуроли) кўтариб киради ва қўлини кўксига қўйганча меҳмонларга салом беради.

Деҳқонбобо:

- Омоч ҳайдар тиним билмай,

Деҳқон ила қўш хўкиз,

Насибамиз бутун бўлар,

Келса Наврӯз, бўлса Наврӯз.

Оллоҳ, ўзинг асрагин-эй,

Тегмасин ҳеч ёмон кўз.

Момоларин рухлари шод,

Келса Наврӯз, бўлса Наврӯз.

- Ҳа азизлар Наврӯз эзгулик байрами. Бу кун ким нимани ният қилса, албатта эришади. Катта-ю кичикнинг дуоларига кулоқ тутсангиз: “деҳқончиликка барака берсин”, дея яратгандан сўрашади.

Баҳорой:

- Деҳқончилик нафақат инсонларга, балки, қушлар, жониворлар учун ҳам ризқи рӯз манбаидир. Ана қаранглар, қушлар учиб келишяпти.

Наврӯзжон:

- Қушлар билан бирга гуллар ҳам елиб келишмоқда! Улар ортидан Тол бува ҳассасига таяниб келаётир. Энди ҳақиқий байрам бошланади, ур-ре!

(Баҳор фаслини тараннум этувчи мусиқа садолари остида ўзига хос либослардаги Тол бува, Бойчечак, Лолахон, Лайлакбой, Турнахон, Қалдирғоч даврага кириб келишади. Улар томошабинлар томонга қараб эгилиб салом беришади).

Баҳорой:

- Ҳуш келибсиз, меҳмонлар! Мен учун азизжонлар!

Меҳмонлар жўр овозда:

-Ташаккур, сенга баҳор! Барча бўлсин сенга ёр!

Бойчечак:

Баҳоройим, Баҳорой!
Юзларинг мунча чирой!
Юртга сен келган чоғда,
Олам гўзалликка бой!

Лолахон:

Мен Лоламан, Лоламан!
Бир гўзал қиз боламан.
Чиройимга маҳлиё,
Мен-ла ёшарар дунё!

Лайлакбой:

Қанот қоқдим, юрт кездим,
Кўкда кўп нарса сездим.
Ўзи бўлиб бир жаҳон,
Яшнабди - Ўзбекистон!

Турнахон:

Қур-й, кур-й, деб учдим,
Қоя осмонни қучдим.
Дунёга қилиб кўз-кўз,
Тантана қилмиш Наврўз.

Қалдирғоч:

Меҳржон байрамида,
Меҳр кўриб кетганман.
Айни кўклам чоғида,
Муродимга етганман.

Тол бува *салласини тўғрилаб қўйганча салмоқ билан сўзлайди:*

Мени дерлар кекса тол,
Мисоли донишманд чол.
Ҳақиқатни кўзлайман,
Доноликдан сўзлайман.
Танам бўлса-да қари,
Билганим-билмас бари!
Новдаларим ҳар Наврўз,
Япроғин қилар кўз-кўз.
Ишга бўлиб пайваста,
Шохларим-кетмондаста!
Сирдошим-бободехқон,
Бизлар бир тану бир жон!

Баҳорой:

-Негадир этим увишяпти, совқотиб кетяпман. Вой, анавулар ким бўлдийкин?

Хамма ҳайрон бўлганча сахнанинг бир томонига ўтадилар. Қагиллаб қанот қоққанча қарғалар кириб келишади.

Тол бува кулиб юборади:

-Эй, булар ҳам эски кадрдонларим-ку! Қишдан дарак бериб келадиган қушларга ҳам шохларим макон. Хўш, олақанотлар, сиз билан хайрлашган эдик, чоғи...

Қиз қарға:

Тол буважон, Тол бува!

Тилингизга бол, бува!

Ширин сўзларингиздан,

Хамма сармаст, лол, бува!

Бағрингиздан бериб жой,

Қилган ишингиз чирой!

Тағин қишда келганда,

Кўришурмиз, ҳойна-ҳой!

Бола қарға:

Атай ортга қайтишимиз сабаби бор.

Тол бува:

-Хўш-хўш?

Қиз қарға:

-Ёруғликнинг қадрига етмоқ учун зим-зиё тунни эслаб туриш кифоя, деган эдингиз тўғрими Тол бува?

Тол бува:

-Тўғри.

Бола қарға:

-Бир замонлар Наврўз байрамини нишонлаш тақиқланганини эшитган эдик. Ўша кезларда Наврўз байрами бўлмас эди. Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин Наврўз катта шодиёнага айланиб кетди. Бу кунларнинг қадрига етиш керак!

Тол бува:

-Ўтмишдаги гина-қудратлар ўтиб кетди. Яхшиликдан сўйласанг, яхшилик боғи кўкаради. Инсонлар хар вақт бир бирларига яхшилик қилиб хар кунларини мароқли ўтказишлари керак.

Қалдирғоч:

-Қадимдан бу юрт одамларида ажойиб анъана бор эди. Оилада ўғил бола туғилса, унга атаб камида ўн беш-йигирма туп дарахт

экилган. Бола улғайгунга қадар дархтлар кўкка бўй чўзади.
Қарабсизки, унинг иморатига етарли ёғоч тайёр-да!

Наврўзжон:

-Дарахт кўп юрт-бой бўлади!

Бола қарға:

-Тўғри-тўғри, қағ-қағ...

Қиз қарға: (*шеригини туртиб*):

-Ҳой, бўлди, қағиллайверма, тагин қор ёғвормасин..

Бола қарға:

-Унда йўлимизда равона бўламизми?

Қиз қарға:

-Қани совуқ ўлкаларга кетдик, қағ-қағ, (қанотларини силкитишади) хайр дўстлар, кузда учрашгунча омон бўлинглар қағ-қағ.

Тол бува:

-Йўлларинг беҳатар бўлсин. Олтин кузда кўришгунча хайр, азиз кушларим.

Турнахон:

-Тол бува, бағрингиз кенглигига қойил!

Тол бува:

-Бу кушларнинг куз фасли қанот қоқиб келишини кўрсангиз дилингиз яйрайди. Қишни, қорни, янги йил байрамини эслатади. Ўшанда совуқ хаво келсину аммо ҳечам совуқ гап келмасин дейман!...

Баҳорой:

Байрамга яна нима файз киритади?

Наврўзжон:

-Албатта куй-қўшиқ ва рақс-да!

Саҳна ортидагин кўй, қўшиқ янграб, барча рақсга тушади.

Байрамга турли санъаткорлар таклиф этилиши ва улар ижросида Наврўзни тараннум этувчи куй қўшиқлар тингланиши, аскиябослик қилиниши ва байрамга таширф буюрган меҳмонларга табрик учун сўз берилиши айни муддаодир.

Дехқон бобо, Наврўзжон, Баҳорой кушлару гуллар жўр бўлишиб:

Даврамизда марҳабо, кулиб-ўйнаймиз,

То абад байрамда бирга қувнаймиз!

Бахт баҳори кулсин бизнинг жаҳонда,

Наврўз боқий бўлсин-Ўзбекистонда!

Наврўзжон:

- Наврўзжон айёмида кўнгилларни хуш айланган кайфият сизни йил бўйи тарк этмасин!

Бахорой:

- Мусаффо осмонимизга бахтиёр кунларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, яна бир бор барчангизга Наврўзи олам муборак бўлсин!

Шу тариқа қисқагина Наврўз сценарийси тўғайди. Саҳна ёпилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Тошкент.: “Маънавият”, 2008 йил.
2. И.А. Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2012 йил.
3. У. Хайём. “Наврўзнома” – Тошкент.: “Меҳнат”, 1990 йил.
4. Т. Мирзаев ва бошқалар. “Наврўз” – Тошкент.: “Фан”, 1992 йил.
5. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. – Тошкент.: Ғ. Ғулом НМИУ, 2009 йил.
6. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашр. –Тошкент.: 2003 йил. 6-ж.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Наврўз – шарқона янги йил	6
Наврўз – табиат эҳсони ва халқ байрами!	8
Покликка ундовчи айём	10
Дардга даво – сумалак	13
Наврўз неъматлари.....	14
Наврўз байрами кунлари ўйналган ўйинлар, куйланган қўшиқлар, лапарлар ва шеърлар	16
“Баркамол авлод” болалар марказларида Наврўз умумхалқ байрамини қай тарзда нишонлаш мумкин?.....	19
“Ассалом Наврўз” сценарийси	22
Фойдаланилган адабиётлар	29

